

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ****Ахборот-кутубхоналар ва архив фондларига тақдим этиш учун зарур бўлган ахборот материалларини саралаш ва инвентаризация қилиш соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Ф-3987-сонли ““Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши ижросини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг Бухоро вилоят давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (ҳуқуқий эксперимент субъектлари) фаолияти ҳақидаги ҳужжатлардан ахборот–кутубхона ва архив фондлари орқали фойдаланишларини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бухоро вилоятида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ахборот – кутубхона ва архив фондлари орқали ахборот тақдим этишнинг Вақтинчалик тартиби 1-иловага, Ахборот – кутубхона ва архив фондларига тақдим этиш учун зарур бўлган ахборот материалларини саралаш ва инвентаризация қилиш бўйича вилоят доимий Комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши доирасида вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот материалларини тўплаш, тизимлаштириш ва тегишли ахборот–кутубхона ва архив фондларига ўтказиш;

ҳар чоракда ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши доирасида вилоят давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тақдим этилган ахборот–кутубхона ва архив фондларига ўтказилган тезкор маълумотларни статистик ва ҳисобот маълумотлари билан мутаносиблигини солиштириш;

ҳар чоракда ахборот–кутубхона ва архив фондларида сақланаётган, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши доирасида тақдим этилган ахборот ресурсларнинг тўлиқлиги, аниқлиги, мувофиқлиги ва сифатлигини

инвентаризация қилиш;

вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги компьютерлаштириш маркази билан биргаликда ҳар хил тур ва асосдаги электрон ахборот ҳужжатларини ягона электрон форматга ўтказиш.

3. Қуйидагилар электрон ахборот ресурсларининг ягона формати деб белгилансин:

pdf – электрон форматдаги қоғоз ҳужжатлар учун;

mp3 – аудиотасма ҳужжатлари учун;

avi – видеотасвирдаги ҳужжатлар учун.

4. Вилоят ахборот–кутубхона ва архив муассасалари ахборотдан фойдаланувчилар учун ахборот–кутубхона ва архив фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни ҳамда ҳар чоракда ҳуқуқий эксперимент веб–сайтида тегишли шаклларни тўлдирилишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ.Ғойиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими в.б.**

**М.Эсанов**

**Ахборот – кутубхоналар ва архив фондларига тақдим этиш учун зарур  
бўлган ахборот материалларини саралаш ва инвентаризация қилиш  
бўйича вилоят доимий Комиссияси  
ТАРКИБИ**

- Ҳ.Ғойиров - вилоят ҳокимининг ўринбосари, доимий Комиссия раҳбари
- Н.Собиров - вилоят ҳокимлиги аппарати Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари, доимий Комиссия раҳбари ўринбосари

**Аъзолари:**

- Ф.Умаров - вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи
- Ў.Ҳамроев - вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи
- Б.Ғиёсов - вилоят ҳокимлиги статистика бошқармаси бошлиғи
- Ж.Худаяров - Алоқа, ахборотлаштириш ва коммуникация технологиялари давлат қўмитаси вилоят бўлими бошлиғи
- А.Турсунов - вилоят архив бошқармаси бошлиғи
- С.Аббосова - вилоят Давлат архиви директори
- М.Самадова - вилоят Абу Али ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази директори
- Қ.Зокиров -- вилоят ҳокимлиги аппарати умумий бўлими мудири
- А.Рустамов - вилоят ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати раҳбари
- Ҳ.Насруллаев - вилоят ҳокимининг замонавий ахборот технологиялари масалалари бўйича ёрдамчиси
- М.Иноятова - вилоят ҳокимлиги аппарати умумий бўлими етакчи мутахассиси